НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНАМОВА ГУЛЛОЛА АХМАД ҚИЗИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎКУВЧИЛАРНИНГ ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ АУДИОВИЗУАЛ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

УДК:372.65:371.3

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical sciences

Инамова Гуллола Ахмад қизи
Инглиз тили дарсларида ўкувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар орқали ривожлантириш методикаси 3

Инамова Гуллола Ахмад кизи
Методика развития навыков аудирования учеников аудиовизуальными средствами на уроках английского языка 25

Inamova Gullola Akhmad kizi
Methodology of developing students' listening comprehension skills in the English lessons by using audiovisual materials 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 52

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНАМОВА ГУЛЛОЛА АХМАД ҚИЗИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ АУДИОВИЗУАЛ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида B2019.2.PhD/Ped957 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Боқиева Гуландом Ҳисамовна** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Маматқулов Хуршид Абдурашидович** педагогика фанлари доктори, доцент
	Убайдуллаев Шухратжон Нарзуллаевич педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1094 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.:(99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2022 йил «16» июнь куни тарқатилди.
(2022 йил «16» 06 даги 2- рақамли реестр баённомаси).

Т. Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш. К. Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.М.Улуков
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон лингводидактикасида таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Бунда чет тиллар ўқитишнинг стратегик мақсади бўлган умумий ўрта таълим мактабларида тилни мукаммал ўргатиш, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш, нутқ фаолият турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларни эгаллаш учун замин яратиш, нутқни ривожлантириш филогенези ва онтогенези соҳасида олиб борилган тадқиқотларни амалга ошириш ва таълим жараёнига татбиқ этиш долзарблик касб этади.

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида ижтимоий-маданий стратегиялар самарадорлигини ошириш ва чет тил ўрганувчиларнинг нутқий компетентлигини ривожлантиришда аудиовизуал технологияларни қўллашга доир инновацион фаолиятга йуналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хорижий тилларга ўқитиш коммуникатив хусусият касб этгани боис ўқувчиларда тинглаб тушуниш компетенциясини глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда компетентли ёндашув нуқтаи назаридан ривожлантиришга оид методологияни такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Республикада сўнгги йилларда инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш, таълим жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш»[1] каби муҳим вазифалар белгиланди. Хорижий тажрибалар асосида чет тил ўқитишни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базасини шакллантириш, уларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини лингводидактик ва психолингвистик тамойилларда илмий тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон қарори,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори. - Электрон ресурс https://lex.uz/docs/4415478 Мурожат санаси 8.12.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[2] 610-сон қарорларида ўқувчиларнинг асосий тил кўникмаларини (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) ривожлантириш учун шароитлар яратиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. »Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда инглиз тилини ўқитишнинг концептуал-методологик асослари билан Ж.Жалолов, Т.К.Сатторов, Г.Х.Бакиева, М.Т.Ирисқулов, Д.У.Хошимова, С.С.Саидалиев, Г.Т.Махкамова каби етук олимлар шуғулланганлар. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг лингвистик компетенциясини шакллантириш масалалари Г.С.Собирова, Х.М.Гулямова, П.Х.Оманов, Н.Н.Норматова, М.Ф. Полвонова, М.Р.Мухитдинова, Ғ.Ш.Тажибаев сингари олимларнинг фундаментал тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимлари инглиз тили дарсларида нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларини такомиллаштириш масалалари В.А.Бухбиндер, М.В.Бондарь, Н.Д.Гальскова ва инглиз тили фанини ўқитишнинг инновацион технологиялари Е.И.Пассов, В.И.Писаренко, А.Н.Щукин, А.Н.Соломатина ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Хорижлик олимлардан К.М.Биллей, С.Гох, Ж.С.Ричард, Б.Эмили, А.Хамоуда, М.Рост, С.Коопер, А.Л.Барклай, Д.Нунан, А.М. Стоика тил ўрганувчиларда тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланганлар.

Юқорида келтирилган ва бошқа муаллифлар тадқиқотларининг, шубҳасиз, назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини тан олган ҳолда, таъкидлашимиз жоизки, ушбу муаммо билан кўплаб методистлар шуғулланганлар ва чет тил ўқитиш методикаси билан боғлиқ бир қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шунга қарамай, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг юқори синф инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш компетенциясини илғор технологик ёндашув асосида ва аудиовизуал воситалар ёрдамида ривожлантиришнинг дидактик модели ҳамда методик шарт-шароитлари ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон қарори. - Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2021 й., 07/21/5117/0472-сон, 15.04.2022 й., 06/22/106/0314-сон, 12.05.2022 й., 07/22/241/0408-сон

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши ва чет тили ўқитишнинг муаммолари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори синф инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар ёрдамида ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори синф ўқувчиларида тинглаб тушуниш билан боғлиқ қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган методик таъминотни ишлаб чиқиш, инглиз тили дарсларида кўрув ва эшитув анализаторлари орқали қабул қилинган ахборотни хотирада мустаҳкамлаш омилларини аниқлаш;

ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини лингводидактик ва психолингвистик тамойилларини аниқлаштириш, тинглаб тушуниш салоҳиятига қўйилган CEFR талабларини таҳлил қилиш;

ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга хизмат қилувчи аутентик аудиовизуал материалларни интеграцион ёндашувлар асосида танлаш, таснифлаш ва методик тақдим этиш босқичларини такомиллаштириш;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга қўйиладиган лингводидактик талабларни ишлаб чиқиш ва нутқ фаолияти турларининг тенг ривожланишига тўлиқ эриша олмаётганлик сабабларини аниқлаш;

инглиз тили дарсларида нутқ фаолияти турлари ва тил материалини интеграциялаштириб ўзлаштиришга йўналтирилган аудиовизуал воситалардан фойдаланиш бўйича машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда интеграциялашган интерфаол методлардан фойдаланишга оид тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва тадқиқот натижалари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тили дарсларида юқори синф ўқувчиларининг тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал материаллар асосида ривожлантириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предметини юқори синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантириш мазмуни, шакл, методи ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга доир педагогик, методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, педагогик эксперимент ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

таълимда дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги таълим мазмунида қайд этилган юқори синф ўқувчиларининг B1 даражасига мос (кундалик ва ижтимоий ҳаёт, таълим ва маданиятга оид) мавзулар контентига B1+ билим даражасига нисбатан белгиланган коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга қаратилган аудиовизуал ва аудиолингуал ўқитиш шаклларини киритиш орқали исботланган;

чет тили таълимининг турли хил босқичларида тинглаб тушуниш салоҳиятига қўйилган CEFR талабларининг *predict the topic* техникасининг умумий ўрта таълим мактаблари аудиолингуал топшириқларига татбиқ этишнинг афзаллиги ўқувчиларнинг инглиз тили акцентларини синтез қилиш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган «mind tool» технологиясининг муқобил усули сифатида таклиф этилган;

юқори даражадаги аудитив компетенцияга эришишда лаёқати кучли ва кучсиз гуруҳларга ажратилган ўқувчиларнинг статистик қаторларда ифодаланган ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни (15,6%) аниқлаш орқали ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ҳамда тинглаб тушуниш малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи интерференцион омилларни бартараф этишга йўналтирилган методик таъминот такомиллаштирилган;

тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда эшитув анализаторларининг IPA талабларига мос равишда фонема, бўғин, урғу, сўз, сўз бирикмаси, ибора ва матнлар даражасида оғзаки нутқни идрок этишнинг акустик компоненти орқали аудио-визуал оқимлардан келаётган динамик маълумотни идрок этиш ва қайта ишлашга қаратилган кросс-платформа дастурларини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Teaching English Using Video Clips for the Tenth & Eleventh Graders» номли юқори синфларда инглиз тили ўқитиш ўқув-услубий қўлланмаси нашр этилган;

юқори синфларда нутқ фаолиятининг рецептив тури (тинглаб тушуниш, ўқиш)га оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган машқлар тизими ва методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

«тинглаб англаш», «тинглаб тушуниш» «аудиовизуал» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан педагогик такомиллаштирилган;

юқори синф ўқувчиларида нутқий кўникмаларни шакллантиришга доир муаллифлик тренинг машғулотлари дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар орқали тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга доир илмий-назарий қарашлар ва ёндашувлар, юқори синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар орқали шакллантиришнинг амалдаги ҳолати қиёсий таҳлил билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – юқори синфларда тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар орқали ўқитишдаги жамланган замонавий воситалар, методлар, технологиялар (киноматериаллар, ашулалар, диалоглар, эртаклар, радио ва телевидение дастурлари), тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган машқлар ва вазифалар тизими, тадқиқот материалларидан ўқувчилар билимини оширишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори синф ўқувчиларининг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

таълимда дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги таълим мазмунида қайд этилган юқори синф ўқувчиларининг B1 даражасига мос мавзулар контентига B1+ билим даражасига нисбатан белгиланган коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга қаратилган аудиовизуал ва аудиолингуал ўқитиш шаклларини киритишга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлик ҳузурида таълим ташкилотларида хорижий тил педагогларининг малакасини ошириш бўйича мобил гуруҳлар учун ўқув дастурлар, маҳорат дарслари ва семинар ташкил этишда назарий асос сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги 2021 йил 15 декабрдаги A-01-423-сон маълумотномаси). Натижада юқори синф ўқувчиларининг тинглаб тушуниш компетенциясини аудиовизуал материаллар ёрдамида ривожлантиришга хизмат қилган;

чет тили таълимининг турли хил босқичларида тинглаб тушуниш салоҳиятига қўйилган CEFR талабларининг *predict the topic* техникасининг умумий ўрта таълим мактаблари аудиолингуал топшириқларини mind tool технологиясининг муқобил усули сифатида ўқитишга қаратилган хулосалардан Эрасмус+ дастурининг ICM, KA-107 - International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange projects between Uzbekistan State University of World Languages and Ruhr University Bochum (Germany) - 2020-1-DE01-KA107-005433-лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 30 майдаги 06/342-сон маълумотномаси). Натижада янги авлод дарсликларини яратишда миллий-ҳудудий тавсифга иллюстрацион материаллардан фойдаланишга хизмат қилган;

юқори даражадаги аудитив компетенцияга эришишда лаёқати кучли ва кучсиз гуруҳларга ажратилган ўқувчиларнинг статистик қаторларда

ифодаланган ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни (15,6%) аниқлаш орқали ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва тинглаб тушуниш малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи интерференцион омилларни бартараф этишга йўналтирилган методик таъминот бўйича амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Йўл харитасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 3 февралдаги 02-02/3-121-сон маълумотномаси). Натижада юқори синф ўқувчиларининг нутқий компетенциясини аудиовизуал материаллар ёрдамида ривожлантиришга хизмат қилган;

тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда эшитув анализаторларининг IPA талабларига мос равишда фонема, бўғин, урғу, сўз, сўз бирикмаси, ибора ва матнлар даражасида оғзаки нутқни идрок этишнинг акустик компоненти орқали аудио-визуал оқимлардан келаётган динамик маълумотни идрок этиш ва қайта ишлашга қаратилган кросс-платформа дастурларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларидан «O‘zbekiston» телерадиоканалининг «Foreign languages», «Кун тартиби» кўрсатувлари дастурини тайёрлашда фойдаланилган («O‘zbekiston» телерадиоканалининг 2022 йил 2 январдаги 05-23-219-сон маълумотномаси). Натижада тил ўрганувчиларнинг рецептив нутқини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмларидан иборат бўлиб, асосий матн 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги,

эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар орқали ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари»** номли биринчи бобида тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар ёрдамида ривожлантириш, илмий-назарий қарашлар ва ёндашувларнинг назарий асослари, юқори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар ёрдамида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги муаммолар ечимини бартараф қилиш масалалари ёритилган.

Чет тил таълимининг замонавий ёндашувлари: *коммуникатив ёндашув* – тил ўрганувчиларни эркин мулоқот юритишга ўргатиш; *фаолиятга йўналтирилган ёндашув* – нутқий вазиятга мос ҳаракат қилишга асосланади.

«Тинглаб тушуниш» (инг. *Listening comprehension*, нем. *Hörverstehen*, фр. *Compréhension orale*) термини оғзаки нутқни тинглаб тушуниш ва уни идрок этиш жараёнини билдиради. Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг рецептив тури бўлиб, овозли нутқ (гапириш) чоғида қулоқ солиш, идрок этиш ва фаҳмлаш билан боғлиқ психологик жараён ҳисобланади. Ахборот узатувчи (нотиқ) ва ахборот қабул қилувчи (аудитор) қўллайдиган тил бирликлари мувофиқ тушса, тушуниш осонлашади. Бу ўз навбатида, тил тажрибаси билан боғлиқ масаладир.

Аудиовизуал материаллар хусусида гапирилар экан, «аудиовизуал» тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Лотин тилида *audire* – тингламоқ, *videre* – кўрмоқ, яъни, «тинглашга ҳам, кўришга ҳам мўлжалланган» деган маънони англатади. Хорижий тилларни аудиовизуал материаллар асосида ўқитиш методи *аудиовизуал метод* деб аталади.

Чет тил ўқитиш методикасида *«эшитиш»* ва *«тинглаб тушуниш»* атамалари фарқланади. Тинглаб тушуниш психология маълумотларига кўра билиш жараёнининг ҳиссий ва мантиқий томонлари билан узвий боғлиқ тарзда амалга оширилади.

Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизми – нутқни идрок этиш (қабул қилиш) механизми, эшитиш механизми, ичда гапириш механизми, олдиндан фаҳмлаш механизми. Гапириш каби тинглаб тушунишнинг тузилиши уч қисмдан иборат эканлиги исботланган: *мотивацион, аналитик-синтетик ва ижро этувчи.*

Аудиовизуал технология – бу аудио, видео ресурсларга асосланган операциялар ва усуллар тўпламини қуриш жараёнининг мавҳумлиги ва натижада компетенцияни шакллантириш технологиясидир. Ушбу технология ахборотни қабул қилишнинг аудио ва визуал йўналишларидан фойдаланишга асосланган. Аудиовизуал технологиялар чет тил фани ўқитувчиси етказмоқчи бўлган тасаввурни ўқувчидаги мавжуд маълумотлар билан уйғун ҳолда унда шакллантириш имконини беради. Технология телетасвирларни қабул қилишнинг психологик ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади. Бунга нутқ «устунлиги», «овоз-кўрув» синтези кабилар киради. Видеоресурслар ўрганиш объекти – чет тилни реал шароитда намойиш қилиш имконини

беради. Тинглаб тушунишга ўргатиш жараёнида таълим олувчилар эътиборини қаратиш, тинглаб тушуниш жараёнида тўғри ривожлантиришда зарур стратегияларни ишлаб чиқишга интилиши керак. *Метакогнитив стратегиялардан* фойдаланиш таълим олувчиларга ўз фикрлашларини жамлаш ва суст эътиборни тиклашга ёрдам беради. Бундан ташқари, метакогнитив билимларни ошириш ўқувчиларни мавжуд билимларини бирлаштиришга, ўзларига бўлган ишончини оширишга ва нотиқлар билан фикр алмашишга, ўз билимларини баҳолашга ва топшириқлар давомида қилган хатоларини таҳлил қилишга ёрдам бериши мумкин.

Чет тил ўқитиш методикасидаги аутентик (асл) материаллар деганда, тили ўрганилаётган мамлакат вакиллари томонидан яратилган ва «жонли тил» муҳитини яратишга қаратилган материаллар назарда тутилади. Видеоматериаллар – дидактик материал сифатида фойдаланиш мумкин бўлган телетасвир маҳсулотлари бўлиб, ушбу маҳсулотларни кўп марта кўриш ва улардан турли хил тартибда фойдаланиш билан фарқланади (Е.Ильченко). Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида аутентик видеоматериаллардан фойдаланиш тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини яқиндан билиш имконини беради.

Чет тил таълимида алгоритм билан қоидани чалкаштирмаслик талаб этилади. *Алгоритм* деганда, оддий операцияларни муайян изчилликда бажариш ҳақидаги аниқ кўрсатмани тушунамиз. Ҳар қандай алгоритм – бу қоидадир, лекин ҳар қандай қоида алгоритм эмас. Қоида номи билан одатда нутқий грамматик кўникма ҳосил қилиш жараёнида қўлланиладиган кўрсатмалар ёки умумлашмалар мажмуасини аташ маъқулдир.

Таълим жараёнининг ривожланишига сабаб бўлаётган асосий жиҳатлардан бири – бу таълим жараёнларини ахборотлаштириш ҳисобланади. Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнининг барча иштирокчиларига янги имкониятларни тақдим этмоқда. Замонавий ахборот технологиялари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштирди. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигининг ортиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини, фанлараро узвийликнинг чуқурлашувини кузатиш мумкин.

Тадқиқотда ўқув жараёнида қўлланиладиган аудиовизуал материалларнинг қуйидаги функционал хусусиятларига аҳамият қаратилди: (1) а*хборот ва ўқув функцияси* (ўқувчи фильмнинг мавзу йўналишида ва бир вақтнинг ўзида ахборот узатиш жараёнида иштирок этиши); (2) *тасвирий функцияси* (видеофильм таълимий-тарбиявий мавзуни кўрсатиши); (3) *ташкилий ва оператив* томони (таълим олувчилар диққатини мавзуга қаратиши ва мавзу бўйича машқлар бажариш); (4) *тарбиявий функцияси* (тили ўрганилаётган мамлакат нутқ маданияти билан таништириш); (5) *интеграция* (нутқ фаолияти турлари ва тил материалини ўзаро боғлаб ўзлаштиришга йўналтирилганлиги).

Тинглашдаги қийинчиликлар. Тинглашдаги нутқий қийинчиликлар объектив қийинчиликлар бўлиб, тинглашни ўргатиш жараёнида улар

объектив параметрлар билан белгиланади: қабул қилувчи нутқ фаолияти учун асосий аҳамиятга эга бўлган аниқ ишлаб чиқариш билимлари ҳажми; аниқ акустик рецептив хорижий тилларни билиш ҳажми; турли фонетик реализацияларни тушуниш доираси; узоқ муддатли хотирадан аниқ билимларни «эсга» олиш вақтида уларни сезилган белги билан аниқлаш ёки нутқ тезлигининг ошиши билан англаш қийин бўлган ҳали ўрганилмаган нутқ ҳодисаларини таҳлил қилиш ва семантизация қилиш ва бошқалар. Тинглашда нутқдаги қийинчиликлар ушбу фаолиятнинг қуйидаги параметрлари билан тавсифланган коммуникатив мақсади билан ҳам белгиланади: аудиовизуал матнда аниқ бўлган маълумотни тушуниш даражаси (тўлиқ тушуниш, муҳим ғояларни тушуниш, маълумотни мақсадли танлаш); аудиовизуал матн тури (тавсиф, ҳикоя, хабар, монолог, диалог); тематика/мавзу; аудиоматн ҳажми (ундаги сўзлар сони); назорат қилиш/баҳолаш усули (она тили/чет тили, саволларга жавоблар, танланган жавоблар – кўп танловли матнлар, хабарни хулоса қилиш, ҳикоя ва ҳ.к.).

Диссертациянинг **«Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар орқали ривожлантиришнинг инновацион шакл, восита ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида юқори синфларда инглиз тили дарсларида ўқувчилар дастурий талаблардан келиб чиқиб, нутқий мавзулар доирасида ахборот алмашиш мақсадида мулоқот (коммуникация) юритиш зарурияти туғилиши; нутқий мулоқот қилишга кўникма ва малакаларни шакллантириш орқалигина эришиш мумкинлиги; тинглаб тушунишда нутқий механизмларнинг амал қилиши ўқувчиларнинг ёш хусусиятини инобатга олишни тақозо этиши; таълим шароитида тинглаб тушунишга ўргатиш шартларидан бири ўқитувчининг чет тилда дарс олиб бориши; аудиовизуал материалларни ҳажми ва мазмунига кўра танлаш, тавсифлаш ва тақдим этиш масалалари ўз ифодасини топган. Маълумки, таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларни олиб кириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутади. Хусусан, инглиз тилини ўрганиш/ўргатишда бундай ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуддир. Чет тил дарсларида видео материаллардан самарали фойдаланишнинг қуйидаги жиҳатларига аҳамият қаратилди:

Психологик жиҳати: танланган видеороликлар ўқувчиларнинг қизиқиши, тасаввури ва ижодкорлигини ошириши; ҳиссий зўриқиш (стресс)нинг олдини олиши, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиши.

Ижтимоий-маданий жиҳати: (1) аудиовизуал материалларни танлаш, таснифлаш ва тақдим этишда маданиятлараро мулоқот жараёнида вужудга келадиган турли тушунмовчилик ва низоларни олдини олиш мақсадида уларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг тили ва маданиятига оид маълумотларнинг акс этишига эътибор бериш; (2) тили ўрганилаётган мамлакат ва миллий маданиятларни солиштириш имконининг мавжудлиги; (3) пировард натижада ўқувчилар миллий маданиятлари ва тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ўртасидаги универсал (умумий) ва фарқли томонларини ҳис қилиши.

Лингвистик жиҳати: (1) тақдим этилган аудиовизуал материаллар ўқувчиларга ҳақиқий нутқни эшитиш ва унинг намуналарига тақлид қилиш имкониятини яратади; (2) нутқ фаолиятининг асосий турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга хизмат қилади; (3) табиий мулоқот жараёнида вазиятга мос лексик бирликлардан грамматик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш имконини беради.

Паралингвистик жиҳати: (1) аудиовизуал материаллардаги нутқ парчасида тили ўрганилаётган мамлакат вакилининг руҳиятидаги ўзгаришларнинг акс этиши – уларнинг нутқида паралингвистик воситалар (эмоционал ҳолатлар: мимика, имо-ишоралар, суҳбатдошлар орасидаги масофа, кийим-кечак ва б.)нинг ўзига хос намоён бўлиши, уларнинг нутқига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг ифода этилиши ўқувчиларда вербал ва новербал мулоқот кўникма ва малакаларни ривожлантириш имконини беради; (2) нутқий мулоқотда коммуникантларнинг юз ифодаларидаги (жаҳл, ғазаб; хафалик, тушкунлик; қўрқув, хавотир; ҳайрат; жирканиш, менсимаслик, кибр; уялиш; хурсандчилик, мамнуният; стресс (агрессия) ҳолатининг новербал кўринишларини кузатишлари мумкин.

Социолингвистик жиҳатида турли маданият вакиллари ўртасидаги нутқий мулоқот жараёнига таъсир этадиган ижтимоий омиллар тадқиқ этилади. Социолингвистлар тил ва маданият халқ ҳаётидан ажралмаслигини, агар тил ва маданият халқдан ажралиб қолса, у ҳолда бу халқ йўқолиб кетиши, таназзулга юз тутиши мумкинлигини эътироф этадилар.

Тадқиқотимиз жараёнида, мактабларда инглиз тилини ўқитишда гапириш ва тинглашга етарлича вақт ажратилмаслигини аниқладик. Лекин, тинглаш тил ўрганувчиларда мустақил, зарурий ва энг қийин нутқ фаолиятидир. Бугунги кунда нутқ фаолиятининг шакли сифатида тинглаш нутқ жараёнида муҳим роль ўйнайди. «Замонавий жамиятда одамлар 45% тинглашади, 30% гапиришади, 16% ўқишади, 9% ёзишади. Бинобарин, оғзаки нутқнинг ажралмас қисми эшитиш ва тинглаш (аудитив фаолият)дир.

Чет тил ўқитиш методикасида коммуникатив компетенция нутқ фаолияти турларини ўрганилаётган тилда коммуникатив мақсад сифатида ўрганиш назарда тутилади. Биз ўнинчи ва ўн биринчи синфлар учун 2017 йилда нашр этилган «ENGLISH» дарслигини ўргандик. Бу ўқув тўпламининг бир қисми бўлиб, ўқувчилар китоби, ўқитувчи китоби ва компакт дискдан иборат. Дарслик ўқувчиларнинг тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш каби нутқий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Грамматика интегралашган усулда ўрганилади. Юқори синф ўқувчилари учун инглиз тилидаги ўқув дастури ва дарсликларини қўйилган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, CEFR ва янги Узлуксиз таълим миллий ўқув дастурида юқори синфларга тинглаб тушунишга қўйилган талабларни ўрганган ҳолда қуйидаги дарсликка аудиовизуал материаллар билан ишлаш, махсус машқлар тизими қўшимча тарзда киритилиши зарур деган хулосага келдик.



1-расм. Чет тилини ўргатишда видеоматериаллардан фойдаланиб нофаол ва фаол ўқитишнинг педагогик алгоритми.

Машқ (а.– هشق– ҳуснихат, расм чизиш учун намуналар) – бирор фаолиятни пухта ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун бажариладиган иш. Таълимнинг асосий воситаси – машқ, уларнинг бажарилиши таълим мақсадига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Машқ – ўзининг билимларини чуқурлаштириш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилиш мақсадида ҳаракатларни оғзаки ва ёзма равишда такроран амалга ошириш. Мазкур атамага методик адабиётларда қуйидагича таърифлар берилади: (1) чет тилда бажариладиган ўқув амали; (2) таркиби талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлиги; (3) тил ҳодисаларига оид билимларни эгаллаш, лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш, мазкур бирликларни нутқ вазиятида тўғри қўллаш амали; (4) муайян тарзда ташкил этиладиган ва қайта-қайта бажариладиган, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат; (5) компетенциялар ривожланадиган «муҳит» ёки «экосистема»; (6) компетенциялар эгалланишини таъминлаш воситаси.

Машқнинг қисқача таъриф-таснифидан сўнг чет тил методистлари орасида мунозараларга сабаб бўлаётган «машқлар системаси» атамасини кўриб чиқамиз. Ҳозиргача машқлар системаси унинг таркибий қисмлари, машқлар системасининг таснифи борасида бир қанча лингвистик, психолингвистик, дидактик ва педагогик тадқиқот ишлари олиб борилган: (1) чет тил ўқитиш методикасида барча машқларни лингвистик нуқтаи назардан *тил* ва *нутқ машқлари* номи билан юритиб келинади (А.Рахманов); (2) психолингвистик нуқтаи назардан машқлар: а) *информацион* – билим ўргатадиган; б) *операцион* – тил материалини ўргатиш орқали кўникмани шакллантирадиган; в) *мотивацион* – нутқий малака ҳосил қилиш учун бажариладиган гуруҳларга ажратилади (В.А.Бухбиндер); (3) шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар

(Ж.Жалолов, Т.Қ.Сатторов, А.Сойназаров); (4) фонетик-орфографик, грамматик луғатлар билан ишлаш кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган машқлар (А.Н.Щукин).

Баъзи методист олимлар фикрига кўра «машқ таълим олувчиларга механик жараён сифатида эмас, аксинча, муаммоли вазият сифатида тақдим этилиши лозим» (А.А.Леонтьев). Машқлар тизимли равишда осондан қийинга, оддийдан мураккабга, билимдан малакани шакллантирувчи вазиятда тақдим этилса, ўқув фани олдига қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Сабаби, бугунги кун талаби ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини реал вазиятда қўллай олиши керак. А.М.Жарова замонавий дарслик мажмуаларидаги машқлар рационининг бошланғич синфларда ўқув-билиш фаоллигини оширишдаги салоҳиятига эътибор қаратган.

Бизнингча, юқоридаги олимларнинг берган машқлар тизимига асосланган ҳолда тадқиқот ишимиз доирасида ўзимизнинг тизимимизни тақдим этишни лозим топдик (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Аудивизуал воситалардан фойдаланиб метакогнитив стратегияларга асосланган тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш тизими

Боскичлар	**Машқ ва топшириқлар**	**Интерфаол технологиялар**
Exploration (кўриб чиқишдан олдин)	Аудиовизуал материалнинг мавзуси билан танишиш; танланган аудиовизуал материалга доир қисқа савол-жавоб; янги сўз ва ибораларни аниқлаш; сўзларни ва сўз бирикмаларини тематик гуруҳларга бирлаштириш (mind mapping)	Блиц-сўров, Ақлий ҳужум
Информатив машқлар (эшитув идроки)		
Elaboration (матнни тинглаш; агар зарурат бўлса, такрорий тингалаш ёки кўриш)	Ҳаракат ва имо-ишоралардан фойдаланиб фикрни тушунарли ифодалаш, (comprehensible input); кузатиш ва таҳлил жараёни	Видео-топишмоқ стратегияси
Репродуктив машқлар (сўзларнинг товуш томонини фонематик фарқлаш ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади)		
Conformation-reflection *(тинглашдан кейин)*	Муҳокама жараёни, баҳс-мунозара, савол-жавоб, ҳамкорликда ишлаш; ўйинлар орқали реал коммуникатив вазиятни яратиш; мавзу юзасидан *true/false, matching, discussion, short answer questions, multiple choice,* gap filling, completing tables каби топшириқлар ёрдамида мавзу такомиллаштирилади.	Мунозара, дебат, суҳбат
Продуктив машқлар *(билиб олинади ва ниҳоят тушунилади)*		

Юқори синфда аудиовизуал матн билан ишлашнинг қуйидаги тўрт босқичи тавсия этилади: (1) матн олди тайёрлов машқларида; (2) матн билан ишлаш; (3) матндан кейинги босқич; (4) тайёрланмаган нутқни ривожлантириш. Чет тил ўқитиш методикасида матнни тинглаб тушунишнинг икки даражаси, яъни маъно ва мазмун даражалари бир-бирларидан моҳиятан фарқланади. Унинг маъно даражасида лисоний бирликларнинг маъносини фарқлаб етишга эришилади. Мазмун даражаси деганда эса, идрок қилинган ёки фаҳмлаб олинган ахборотни қайта ишлаш, ўзлаштириш билан боғлиқ, тўлиқ ва аниқ тушуниш назарда тутилади. Матнни тўлиқ тушуниш матндан ўзлаштирилган ахборотлар миқдори билан белгиланади. Бу жараён ўқувчининг ақлий қобилияти, тил тажрибаси ва ўқиш техникасига боғлиқ.

Намойишдан олдинги босқичда аввал тинглаб тушунишга тайёрловчи – информатив топшириқлар берилиб, ўқувчилар аудиовизуал материалнинг мавзуси билан танишадилар, ўқитувчи томонидан аввалдан танланган аудиовизуал материалга доир қисқа савол-жавоб (блиц-сўров) ўтказади, мавзу доирасида янги сўзлар ва иборалар аниқланади ҳамда уларни ёзув тахтасида таҳлил қилинади. Ушбу топшириқлар орқали ўқувчилар кейинги босқич - намойиш жараёнига тайёрланади, яъни намойиш жараёни оддий томоша қилишдангина иборат булиб қолмаслиги, намойиш вақтида талабалар социолингвистик кузатиш ва ижтимоий-маданий таҳлил қилиш каби уйлашга жалб қилувчи репродуктив топшириқларни бажаришларига, кўрган ва эшитганларини амалий қўллаш бўйича реал комуникатив вазиятни яратишларига замин тайёрланади. Намойишдан кейинги босқичда эса муҳокама жараёни бахс-мунозара жараёни бўлиб, савол-жавоб, ҳамкорликда ишлаш: академик мунозара, дебат, суҳбат стратегиялари қўллаш тавсия этилади. Қўшимча тарзда мавзу юзасидан true/false, matching words, discussion, sharing ideas каби топшириқлар ёрдамида машқларини бажаришлари тавсия этилади.

Диссертациянинг **«Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар орқали ривожлантириш самарадорлигини ошириш бўйича тажриба-синов ишлари»** номли учинчи бобида тадқиқот ишини олиб боришда тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказилган тажриба-синов ишлари босқичлари, олинган натижалар ва уларнинг статистик таҳлили баён этилган. Тажриба-синов ишининг мақсади олинган натижаларга кўра таълим ва тарбия жараёнининг аниқ муаммолари ечимига оид педагогик ва методик тавсиялар, педагогик инновациялар, таълим сифатини оширишга оид илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдир. Бизнинг тажриба-синов ишимиз диссертациянинг бошида илгари сурилган ғояни реал шароитда синовдан ўтказиб, олиб бораётган ишимизда самарали таъсир этувчи омиллар асосида янги ва ижобий натижага эришишга қаратилган. Педагогик тажриба-синов ишимизнинг мақсади – инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш хусусиятларини аниқлаштиришдан иборат.

Экспериментал таълим ишлари умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда уларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини аудиовизуал воситалар ёрдамида ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган машқ ва вазифалар тизимини синовдан ўтказишга қаратилди. *Экспериментал таълимнинг мақсади* – таклиф этилган машқ ва топшириқлар тизимининг самарадорлиги ва эришилган натижаларни аниқлашдан иборатдир.

Тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришга қўйилган илмий-методик талабларга кўра, 5 та таълим муассасаси тажриба-синов майдони сифатида белгиланди, улар республиканинг турли минтақаларида жойлашган. Тажриба-синов ишлари Наманган вилоятидаги 26-, 47-сонли умумий ўрта таълим мактабларида, Самарқанд вилоятидаги 37-, 17-сонли умумий ўрта таълим мактабларида, Хоразм вилоятидаги 24-сонли ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

1. Асословчи-таҳлилий босқич.
2. Шакллантирувчи-амалий босқич.
3. Тасдиқловчи-хулосалаш босқичи.

Биринчи асословчи босқичда танлаб олинган таълим муассасалари ўқув жараёнидаги мавжуд ҳолатлар ўрганилди; мактабларда ўқув режа, ўқув адабиётлари, дарсликлар, қўлланмалар, мультимедиа воситалари, лингвокабинетлар таҳлил этилди; инглиз тили машғулотлари кузатилди; ўқитувчи ва ўқувчилар орасида анкета-сўровномалари ўтказилиб, тинглаб тушуниш кўникмаси тушунчаси, унинг аҳамияти, ўқувчиларда тинглаб тушуниш кўникмаси шаклланганлик даражаси, жараёндаги юзага келувчи тўсиқ ва муаммолар аниқланди ҳамда шу асосида тадқиқот иши мавзуси шакллантирилди.

Иккинчи шакллантирувчи босқичда респондентлар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажриба-синов ишлари учун билим даражаси тенг бўлган икки гуруҳ танлаб олинди ва эксперимент жараёни бошланди. Бунда чет тили дастурида кўзда тутилган ўқув соатлари, таълим материаллари, ўқувчиларнинг мавжуд билиш даражаларининг тенглиги, жалб этилган ўқитувчилар таркибининг бир хиллиги инобатга олинди. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш малакаларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов дастурида тадқиқот иши натижаси сифатида тавсия қилинган, юқори синф ўқувчиларида тинглаб тушуниш компетенцияни комплекс ривожлантиришга қаратилган уч босқичли машқ ва топшириқлар тизимини яратишда *«Teaching english using video clips for the tenth & eleventh graders»* ўқув қўлланмасидан фойдаланилди. Тажриба-синов ишлари табиий шароитда ўтказилди. Тажриба-синов ўтказиш учун юқорида кўрсатилган мактаблардан тажриба гуруҳи (ТГ) да 187 та ва назорат гуруҳи (НГ) да 165 та ўқувчи иштирок этди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Педагогик тажриба-синов жараёни майдони тавсифи ва унда иштирок этган ўқитувчилар ва ўқувчилар сони

Т/р	Вилоятлар ва мактаблар тартиб рақамлари	Тажриба-синовда иштирок этган ўқитувчилар ва ўқувчилар сони				
		Ўқитув-Чилар	Синф	ТГ	НГ	Жами
1.	Наманган шаҳар халқ таълимига қарашли 47-сонли умумий ўрта таълим мактаби.	3	X синф	25	20	87
			XI синф	22	20	
2.	Наманган шаҳар халқ таълимига қарашли 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби.	3	X синф	20	20	85
			XI синф	25	20	
3.	Самарқанд шаҳар халқ таълимига қарашли 37-сонли умумий ўрта таълим мактаби.	3	X синф	20	25	90
			XI синф	25	20	
4.	Урганч шаҳри халқ таълимига қарашли 24-сонли ихтисослаш-тирилган умумий ўрта таълим мактаби.	3	X синф	25	20	90
			XI синф	25	20	
Жами:		**12**	**8**	**187**	**165**	**352**

Тажриба-синов иши уни ташкиллаштиришга қўйилган илмий-методик талабларга кўра олиб борилди. Дастлаб ўқувчиларнинг инглиз тилидаги аутентик матнларни тинглаб тушуниш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси аниқлаб олинди. Тажриба сўнгида олинган якуний миқдор кўрсаткичлари 3–4-жадвалларда келтириб ўтилган.

3-жадвал

Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал воситалар ёрдамида ривожлантириш динамикаси

Даражалар	***Асословчи босқич***				***Таъкидловчи босқич***			
	Наманган вилояти мактаблари				*Наманган вилояти мактаблари*			
	тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи		тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи	
	сони	%	Сони	%	сони	%	сони	%
5 (аъло)	14	15,2%	7	8,8%	**42**	45,7%	**9**	11,2%
4 (яхши)	18	19,6%	15	18,8%	**27**	29,3%	**16**	20,0%
3 (ўрта)	19	20,7%	37	46,2%	**18**	19,6%	**39**	48,8%
2 (қониқарсиз)	41	44,5%	21	26,2%	**5**	5,4%	**16**	20,0%
Жами	92	100%	80	100%	**92**	100%	**80**	100%
	Самарканд вилояти мактаблари				*Самарқанд вилояти мактаблари*			
Даражалар	тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи		тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи	
	сони	%	Сони	%	сони	%	сони	%
5 (аъло)	9	20,0%	4	8,9%	**19**	42,2%	**5**	11,1%
4 (яхши)	10	22,2%	8	17,8%	**14**	31,1%	**9**	20,0%
3 (ўрта)	12	26,7%	23	51,1%	**10**	22,2%	**23**	51,1%
2 (қониқарсиз)	14	31,1%	10	22,2%	**2**	4,5%	**8**	17,8%
Жами	45	100%	45	100%	**45**	100%	**45**	100%

	Хоразм вилояти мактаблари				*Хоразм вилояти мактаблари*			
Даражалар	тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи		тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи	
	сони	%	Сони	%	сони	%	сони	%
